САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЛАКАЕВ ШУХРАТ САИДАХМАТОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРИ ХОС ҚИЙМАТ ВА РЕЗОНАНСЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.FM.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЛАКАЕВ ШУХРАТ САИДАХМАТОВИЧ

ПАНЖАРАДАГИ ИККИ ЗАРРАЧАЛИ СИСТЕМАГА МОС ШРЕДИНГЕР ОПЕРАТОРИ ХОС ҚИЙМАТ ВА РЕЗОНАНСЛАРИ

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/FM148 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Халхужаев Ахмад Мияссарович** физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Имомқулов Севдиёр Акрамович** физика-математика фанлари доктори
	Ботиров Ғолиб Исроилович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.FM.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 201_ йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail: patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.Хатамов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби в. б., ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар физикада мураккаб турғун объектлар одатда уларнинг боғланган пайтдаги энергияси камайиш имконини берувчи тортишиш кучлари натижасида ҳосил бўлишини кўрсатади. Бироқ кейинги йилларда олимлар томонидан тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар ҳаттоки итаришувчи таъсирлар натижасида ҳам мавжуд бўлишлиги экспериментал исботланди. Итаришувчи жуфтликларни назарий асослашда фойдаланиладиган Бозе-Хаббард модели, яъни панжарадаги икки заррачали Шредингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ҳамда квант майдонлар назариясида учрайдиган панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторларига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда панжарадаги икки квант заррачали системага мос Шредингер оператори спектри система квазиимпульси ўзгаришига нисбатан ўта сезувчан бўлганлиги учун ушбу оператор спектрига оид муаммоларни ҳал этиш, яъни боғланган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатиш ва унинг сонини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, қуйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади: панжарада бир нуқтада (контакт) таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (бозонлар ёки фермионлар) системага мос Шредингер операторининг дискрет спектрини тадқиқ этиш; бир ва икки ўлчамли панжарадаги икки заррачали системага мос икки заррачали дискрет Шредингер оператори хос қийматлари мавжудлигини кўсатиш; бир ва икки ўлчамли панжарада бир нуқтада (контакт) таъсирлашувчи икки заррачали системага мос икки заррачали дискрет Шредингер оператори ягона хос қиймати учун ёйилма топишдан иборат.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига, хусусан, кубик панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторлари учун муҳим спектрдан ташқарида боғланган ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг сонини аниқлашга оид сезиларли натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. "Математика, механика ва информатика" устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атом ва молекуляр ҳамда қаттиқ жисмлар физикаси, квант майдонлар назариясининг асосий масалалари Шредингер операторларини ўрганишга қаратилган. Бу соҳада олинган натижалар тўғрисида кўплаб маълумотлар математик-физиканинг энциклопедияси" - М.Рид ва Б.Саймоннинг тўрт томли китобида келтирилган. Панжарадаги заррачалар системасига мос Шредингер операторлари ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида физик олимлар Д.С.Маттис ва А.И.Могильнерлар томонидан ўрганилиб бошланди ва унга оид тадқиқотлар жадал ривожланди. Панжарадаги Шредингер операторларини қатъий математик тадқиқ этишда узлуксиз Шредингер операторларидаги каби муаммолар учрайди. Узлуксиз ва дискрет Шредингер оператори ҳамда умумлашган Фридрихс модели учун хос қийматларнинг мавжудлиги, хос қийматнинг узлуксиз спектр бўсағаси атрофидаги ёйилмалари, ўзаро таъсир константасининг бўсағавий қийматдаги ҳодисаларни аниқлаш масалалари М. Клауз, Б. Саймон, Г.М. Граф, Д. Шенкер, Р.А.Фариа де Вейга, Е.Л. Лакштанов, Р.А. Минлос, С.Н. Лақаев, К. Макаров каби олимлар томонидан ўрганилган. Маълумки, икки заррачали Шредингер операторларида ўзаро таъсир доимийси ўзгариши натижасида боғланган ҳолат энергияси узлуксиз спектр чеккасига яқинлашади ва таъсир доимийсининг чекли қийматида спектр бўсағаси билан устма-уст тушади. Бу бўсаға қийматга боғланган ҳолат ёки виртуал ҳолат мос келишини аниқлаш масаласи билан Дж.Раух, Б. Саймон, М. Клауз, Д. Яфаев ва С.Н.Лақаевлар шуғулланган. Жуфт-жуфти билан ўзаро контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи, иккита бозондан ташкил топган системага мос Шредингер оператори учун бўсаға эффекти дастлаб С.Н. Лақаев ишида аниқланган. С. Албеверио, С. Лакаев, К. Макаров ва З. Мўминовлар ҳамда С.Н. Лақаев ва Ш.Алладўстовлар ишларида бўсаға эффекти дисперсион функциялар ва таъсир потенциалининг кенг синфи учун исботланган. С.Н.Лакаев, Ш.Ю. Холматов ишларида $d \geq 3$ ўлчамли Z^d панжарадаги тортишувчи контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита квант заррачали системага мос дискрет Шредингер операторининг муҳим спектрдан пастдаги ягона хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийси ва квазиимпульслар бўйича яқинлашувчи қаторлар топилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир ва икки ўлчамли панжарада жуфт-жуфти билан қисқа масофада таъсирлашувчи потенциаллар ёрдамида аниқланган иккита бир хил заррачали системага мос Шредингер операторларининг муҳим спектридан ташқаридаги хос қийматлари учун яқинлашувчи қатор кўринишидаги ёйилмалар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи ва итаришувчи контакт таъсирли иккита бир хил заррачали (бозонли) системага мос Шредингер операторлари муҳим спектридан ташқарида хос қийматлари мавжудлигини исботлаш ҳамда унга мос хос функциянинг аниқ кўринишини топиш;

бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи ва итаришувчи контакт таъсирли иккита бир хил заррачали (бозонли) системага мос Шредингер оператори хос қиймати учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға (ноль) қиймати атрофида яқинлашувчи қатор кўринишида ёйилмалар топиш;

бир ўлчамли панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос Шредингер оператори учун муҳим спектр чап чеккасининг виртуал сатҳ (резонанс) ёки хос қиймат бўлишини аниқлаш, муҳим спектрдан чапда хос қиймати мавжудлигини аниқлаш;

бир ўлчамли панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро тортишувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун ўзаро таъсир доимийси ва квазиимпульсларнинг бўсаға қийматларида яқинлашувчи қатор шаклидаги ёйилмалар ўрнатиш.

Тадқиқотнинг объекти бир ва икки ўлчамли бутун сонли панжарадаги контакт ва қўшни тугунларда ўзаро таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали системаларга мос Шредингер операторлари.

Тадқиқотнинг предмети бир ва икки ўлчамли панжарада қисқа масофада таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (бозон ва фермион) системага мос дискрет Шредингер операторларининг спектрал тадқиқотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, математик физика, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси умумий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи ва итаришувчи контакт таъсирли иккита бир хил заррачали (бозонли) системага мос дискрет Шредингер оператори муҳим спектридан ташқарида ягона хос қиймати мавжудлиги исботланган ҳамда унга мос хос функциянинг аниқ кўриниши топилиб, унинг регулярлиги кўрсатилган;

бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро контакт таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (бозонли) системага мос Шредингер оператори ягона хос қиймати учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға (ноль) қиймати атрофида яқинлашувчи қатор кўринишидаги ёйилмалар олинган;

бир ўлчамли панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос Шредингер оператори учун муҳим спектридан чапда ягона хос қиймат мавжудлиги кўрсатилган;

бир ўлчамли панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро тортишувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун таъсир доимийси ва квазиимпульснинг бўсаға қийматлари атрофида яқинлашувчи қатор шаклида ёйилмалар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари боғланган ҳолатларнинг аналитиклиги ҳақидаги хулосалар қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлаш ва сонли ҳисоблашларда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, математик-физика, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, квант механикаси, қаттиқ жисмлар физикаси ва квант майдонлар назарияси, хусусан, панжарадаги икки ва уч заррачали система гамильтонианларининг спектрлари билан боғлик масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар қаттиқ жисмлар физикасида мураккаб объектлар ҳосил бўлишини кўрсатувчи экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторлари дискрет спектрига оид олинган натижалар асосида:

панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторлари хос қийматини аниқлаш усуллари PPP/GP/FST/30/14915 рақамли хорижий грантида баъзи икки ва уч заррачали дискрет Шредингер операторлари учун қўлланилган (Малайзия Сайенс ислом университетининг 2017 йил 28 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши қаралаётган интеграл операторлар ва панжараги Шредингер операторларининг асосий хоссаларини ўрганиш, шунингдек, тақрибий формулалар ва усуллар ёрдамида хос қийматларни, махсус нуқталарни ва операторнинг хос функцияларини топиш имконини берган;

панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторларининг хос қиймати мавжудлигини ва бўсаға резонансини аниқлаш усуллари

LRGS/TD/2011/UKM/ICT/03/02 рақамли хорижий грантида баъзи икки заррачали дискрет Шредингер операторлари учун қўлланилган (Кебангсанг Малайзия миллий университетининг 2017 йил 27 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши бўсаға резонанси, бўсаға хос киймати ёки махсус нуқтага эга бўлган икки заррачали дискрет Шредингер оператори учун мисоллар қуриш имконини берган;

панжарадаги иккита ихтиёрий итаришувчи заррачали системага мос Шредингер оператори хос қийматларининг система квазиимпульсига боғлиқлиги етакчи хорижий (J.Physics A: Math. Theor.-50,-2017.- 335202, J. Physics. A: Math. Theor.- 49, - 2016.- 145204. , Theor. Math. Phys. 2014, Vol. 178 No 3, p336-346.) журналларида иккита бир хил заррачали системага мос дискрет Шредингер операторларининг спектрини аниқлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши ўрганилаётган операторлар хос қийматининг мавжудлиги ва мусбатлигини исботлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 88 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Икки заррачали система энергия операторини панжарадаги Шредингер операторларига келтириш (Асосий тушунчалар)"** деб номланувчи биринчи бобида асосий натижаларни баён қилиш учун зарур бўлган тушунча ва тасдиқлар, жумладан чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назариясининг зарур теоремалари баён қилинган. Панжарадаги иккита бир хил заррачали система энергия оператори Шредингер операторларига келтирилган.

Диссертациянинг **"Бир ўлчамли панжарадаги иккита бир хил**

заррачали системага мос Шредингер оператори хос қиймати асимптотикаси" деб номланувчи иккинчи бобида бир ўлчамли панжарада ўзаро контакт ва бир қадамда таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (бозонли ёки фермионли) системаларга мос Шредингер операторларининг хос қийматлари мавжудлиги ўрганилган. Таъсир энергиясининг бўсаға қиймати атрофида Шредингер оператори хос қиймати учун ёйилма олинган.

Диссертациянинг **"Икки ўлчамли панжарадаги иккита бир хил заррачали системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун ёйилма"** деб номланувчи учинчи бобида икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи контакт потенциал ёрдамида таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали системага мос Шредингер оператори хос қиймати мавжудлиги ўрганилган ва хос қиймат учун яқинлашувчи қатор кўринишидаги ёйилма олинган.

Фараз қилайлик $\mathrm{T}^d=(-\pi,\pi]^d$ d- ўлчамли тор, $\eta(dp)=\dfrac{d^d p}{(2\pi)^d}$ - эса T^d торда аниқланган Хаар ўлчови, $L_2(\mathrm{T}^d):=L_2(\mathrm{T}^d,\eta)$ эса T^d да аниқланган квадрати билан интегралланувчи функцияларнинг гильберт фазоси бўлсин. $L_2^e(\mathrm{T}^d)\subset L_2(\mathrm{T}^d)$ ва $L_2^o(\mathrm{T}^d)\subset L_2(\mathrm{T}^d)$ мос равишда жуфт ва тоқ функциялар қисм фазолари бўлсин. Иккита бир хил заррачали (бозонлар) системага мос контакт потенциал $(\mu\neq 0)$ ёрдамида таъсирлашувчи дискрет Шредингер оператори $L_2^e(\mathrm{T}^d)$ гильберт фазосида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$h_\mu(k)=h_0(k)+\mu v, \tag{1}$$

бунда қўзғалмас $h_0(k)$ оператор $L_2^e(\mathrm{T}^d)$ да

$$\varepsilon_k(q)=2\sum_{j=1}^{d}\left(1-\cos\frac{k_j}{2}\cos q_j\right), k\in\mathrm{T}^d$$

функцияга кўпайтириш оператори

$$(h_0(k)f)(q)=\varepsilon_k(q)f(q),\quad f\in L_2^e(\mathrm{T}^d).$$

Қўзғатиш оператори бир ўлчамли оператор бўлиб, $L_2^e(\mathrm{T}^d)$ фазода қуйидагича аниқланади

$$(vf)(q)=\int_{T^d} f(q)\eta(dq),\quad f\in L_2^e(\mathrm{T}^d).$$

Бу ерда $\mu\in\mathrm{P}=(-\infty,+\infty)$- заррачаларнинг ўзаро таъсир энергияси.

Муҳим спектр турғунлиги ҳақидаги Вейл теоремасига асосан $h_\mu(k)$ операторнинг муҳим спектри қўзғалмас $h_0(k)$, $k\in\mathrm{T}^d$ операторнинг спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(h_\mu(k))=\sigma(h_0(k))=[\varepsilon_{\min}(k),\varepsilon_{max}(k)],$$

бунда

$$\varepsilon_{\min}(k)=\min_{q\in T^d}\varepsilon_k(q)=2\sum_{j=1}^{d}\left(1-\cos\frac{k_j}{2}\right)\geq 0,\quad \varepsilon_{\max}(k)=\max_{q\in T^d}\varepsilon_k(q)=2\sum_{j=1}^{d}\left(1+\cos\frac{k_j}{2}\right)\leq 4d\,.$$

II бобда панжара ўлчами бирга тенг ($d=1$) деб фараз қиламиз. II боб 1-параграфи натижаларини қуйидаги тасдиқларда келтирамиз.

1-Теорема. *Барча* $\mu\in \mathrm{P}_-=(-\infty,0)$ *ва* $k\in \mathrm{T}^1$ *ларда* $h_\mu(k)$ *оператор ягона* $z(\mu,k)$ *хос қийматга эга.* $z(\mu,k)$ *хос қиймат* $h_\mu(k)$ *операторнинг муҳим спектридан чапда ётади, яъни* $z(\mu,k)<\varepsilon_{\min}(k)$. *Барча* $k\in \mathrm{T}^1$ *да* $z(\cdot,k)$ *функция* P_- *да монотон ўсувчи ва барча* $\mu\in \mathrm{P}_-$ *да* $z(\mu,\cdot)$ *функция жуфт,* T^1 *да хақиқий аналитик бўлади. Барча* $k\in \mathrm{T}^1\setminus\{0\}=(-\pi,0)\cup(0,\pi]$ *да ушбу* $z(\mu,k)>z(\mu,0)$ *тенгсизлик ўринли бўлади. Барча* $\mu\in \mathrm{P}_-=(-\infty,0)$ *ва* $k\in \mathrm{T}^1$ *ларда мос хос функция* $\psi_{\mu,k}(\cdot)=\dfrac{\mu\cdot c}{z(\mu,k)-\varepsilon_k(\cdot)}$ *кўринишда бўлади ва* T^1 *да ҳақиқий аналитик функция бўлади, бунда* $c\neq 0-$ *нормаллаштирувчи кўпайтувчи. Шу билан бирга вектор қийматли акслантириш* $\psi_\mu:\mathrm{T}^1\to L_2^e(\mathrm{T}^1),\ k\to\psi_{\mu,k}$ *ҳам аналитик бўлади.*

2-Теорема. а) *Фараз қилайлик* $k\in(-\pi,\pi)$ *бўлсин. У холда шундай* $\mu_0<0$ *мавжуд бўлиб, барча* $\mu\in(\mu_0,0)$ *ларда қуйидаги ёйилма*

$$z(\mu,k)=\varepsilon_{\min}(k)-\mu^2\Big[\sum_{n=0}^{\infty}a_n(k)\mu^n\Big]^2,$$

ўринли, бунда $a_n(k),\,n=1,2,...-$ *хақиқий сонлар ва* $a_0(k)=\pi\left(\cos\frac{k}{2}\right)^{-1/2}>0$.

б) $k=\pi$ *бўлсин. У ҳолда* $z(\mu,\pi)=2+\mu$ *бўлади.*

1-Натижа. $k\in(-\pi,\pi)$ *бўлсин. У ҳолда* $z(\mu,k)$ *функция учун* $\mu\to-0$ *да қуйидаги асимптотик ёйилма ўринли бўлади:*

$$z(\mu,k)=\varepsilon_{\min}(k)-\frac{\mu^2\pi^2}{\cos\frac{k}{2}}+z^{(2)}(\mu,k),$$

бунда $z^{(2)}(\mu,k)=O(\mu^3)$.

3-Теорема. *Ихтиёрий* $k\in \mathrm{T}^1$ *учун* $z(\mu,k)$ *функция учун* $\mu\to-\infty$ *да қуйидаги асимптотик ёйилма ўринли бўлади:* $z(\mu,k)=\mu+z^{(1)}(\mu,k)$, *бунда* $z^{(1)}(\mu,k)=O(1)$ *тенглик* $k\in \mathrm{T}^1$*бўйича текис бажарилади.*

Таъкидлаш лозимки, итаришувчи заррачаларга мос таъсир энергияси $\mu\in \mathrm{P}_+=(0,+\infty)$ бўлган ҳолда ҳам шунга ўхшаш натижалар ўринли.

II боб 2-параграфи натижаларининг қатъий математик баёнига ўтамиз. Импульс тасвирда панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системасига мос икки заррачали дискрет Шредингер оператори $H_\mu(k), k \in \mathrm{T}^1$ ушбу $L_2^o(\mathrm{T}^1)$ фазода аниқланади:

$$H_\mu(k) = H_0(k) + \mu V.$$

Бу ерда $H_0(k)$ функцияга кўпайтириш оператори:

$$(H_0(k) f)(q) = E_k(q) f(q), \quad f \in L_2^o(\mathrm{T}^1),$$

бунда

$$E_k(q) = \varepsilon\left(\frac{k}{2} - q\right) + \varepsilon\left(\frac{k}{2} + q\right)$$

ва $\mu \in \mathrm{P} = (-\infty, +\infty)$ - заррачаларнинг ўзаро таъсир энергияси.

1-Фараз. *Фараз қиламиз $\varepsilon(\cdot)$ функция T^1 да жуфт ҳақиқий аналитик функция ва $q = 0 \in \mathrm{T}^1$ нуқтада ягона айнимаган минимумга эга.*

V таъсир оператори $L_2^o(\mathrm{T}^1)$ фазода қуйидагича аниқланган:

$$(Vf)(q) = \sin q \int_{\mathrm{T}^1} \sin t \, f(t) \eta(dt).$$

Муҳим спектр турғунлиги ҳакидаги Вейл теоремасига асосан $H_\mu(k)$, $k \in \mathrm{T}^1$ операторнинг мухим спектри $H_0(k)$, $k \in \mathrm{T}^1$ операторнинг спектри билан устма-уст тушади, яъни

$$\sigma_{ess}(H_\mu(k)) = \sigma(H_0(k)) = [E_{\min}(k), E_{max}(k)],$$

бунда

$$E_{\min}(k) = \min_{q \in \mathrm{T}^1} E_k(q); \quad E_{\max}(k) = \max_{q \in \mathrm{T}^1} E_k(q).$$

1-Эслатма. *Шуни таъкидлаймизки, 1-фаразга кўра $k_0 = 0 \in \mathrm{T}^1$ нуқтани ўзида сақловчи шундай $\Gamma \subset \mathrm{T}^1$ оралиқ ва унда аналитик бўлган $q_0(\cdot)$ функция мавжудки, ихтиёрий $k \in \Gamma$ учун $E_k(\cdot)$ функция $0 \in \mathrm{T}^1$ нуқтада ягона айнимаган минимумга эга бўлади. У ҳолда параметрга боғлиқ Морс леммасига кўра, маркази $y = 0$ нуқтада радиуси $\gamma > 0$ бўлган бирор $W_\gamma(0) \subset \mathrm{P}$ шарни $q = 0$ нуқтанинг бирор $U(0)$ атрофига акслантирувчи шундай $q = \phi(k, y)$ акслантириш мавжудки, барча $q \in U(0)$ да қуйидаги тенглик бажарилади: $E_k(q) = E_k(\phi(k, y)) = y^2 + E_{\min}(k)$. Бундан ташқари $q = \phi(k, y)$ акслантиришнинг $J(\phi(k, y), k)$ якобиани барча $k \in \Gamma$ учун $J(\phi(k, 0), k) > J(0, k) > 0$ шартни қаноатлантиради.*

$\mathrm{X} -$ комплекс сонлар тўплами бўлсин. Ихтиёрий $k \in \Gamma$ ва $z < E_{\min}(k)$ учун $L_2^o(\mathrm{T}^1)$ фазода номанфий компакт ва

$$B_{\mu}(k,z;p,q) = -2\mu \sin p \sin q \int_{\mathrm{T}^1} \frac{\sin^2 t\,\eta(dt)}{E_k(t)-z}$$

ядроли Бирман-Швингер интеграл операторини қуйидагича аниқлаймиз:

$$B_{\mu}(k,z) = -\mu V^{\frac{1}{2}} R_0(k,z) V^{\frac{1}{2}},$$

бунда $R_0(k,z)$ $H_0(k)$ операторнинг $z \in \mathrm{X} \setminus [E_{\min}(k), E_{\max}(k)]$ нуқтадаги резолвентаси, $V^{\frac{1}{2}}$ оператор эса V мусбат операторнинг квадрат илдизи.

Ихтиёрий $\mu < 0$ ва $k \in \Gamma$ учун $\mathrm{X} \setminus [E_{\min}(k), E_{\max}(k)]$ тўпламда $I - B_{\mu}(k,z)$ операторга мос $\Lambda_{\mu}(k,z)$ Фредгольм детерминантини қуйидагича аниқлаймиз:

$$\Lambda_{\mu}(k,z) = 1 + \mu d(k,z),$$

бунда

$$d(k,z) = \int_{\mathrm{T}^1} \frac{\sin^2 t\,\eta(dt)}{E_k(t)-z}.$$

Шуни таъкидлаш жоизки, $k \in \Gamma$ бўлганда

$$d(k) := d(k, E_{\min}(k)) = \lim_{z \to E_{\min}(k)-} d(k,z) = \int_{\mathrm{T}^1} \frac{\sin^2 t\,\eta(dt)}{E_k(t) - E_{\min}(k)} > 0$$

интеграл мавжуд ва k нинг функцияси сифатида T^1 да узлуксиз функция бўлади.

$B_{\mu}(k, E_{\min}(k))$ лимитик операторни қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$B_{\mu}(k, E_{\min}(k)) = \lim_{z \to E_{\min}(k)-} B_{\mu}(k,z).$$

$\Lambda_{\mu}(k, E_{\min}(k))$ лимитик Фредгольм детерминантини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$\Lambda_{\mu}(k, E_{\min}(k)) = \lim_{z \to E_{\min}(k)-} \Lambda_{\mu}(k,z).$$

Шуни таъкидлаб ўтамизки, $B_{\mu}(k, E_{\min}(k))$ оператор $L_2^o(\mathrm{T}^1)$ фазода ўз-ўзига қўшма компакт интеграл оператори ва унинг кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\left(B_{\mu}(k, E_{\min}(k)) f\right)(q) = -2\mu \sin q \int_{\mathrm{T}^1} \frac{\sin^2 t\,\eta(dt)}{E_k(t) - E_{\min}(t)} \int_{\mathrm{T}^1} \sin p\, f(p)\,\eta(dp).$$

Ихтиёрий $k \in \Gamma$ учун ушбу $\mu(k) := -\dfrac{1}{d(k)} < 0$ белгилашни киритамиз.

1-Таъриф. *Агар* 1 *сони* $B_{\mu}(k, E_{\min}(k))$ *операторнинг бирор* $\mu = \mu(k)$

даги хос қиймати бўлса, $H_\mu(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}(H_\mu(k))$ *муҳим спектрининг қуйи чегараси (*$z=E_{\min}(k)$*) да виртуал сатҳга эга дейилади. Бунда* $\mu=\mu(k)$ *сон таъсир энергиясининг бўсаға қиймати дейилади.*

2-Эслатма. *Фараз қилайлик* $E_{\min}(k)$ *сони* $H_\mu(k)$ *операторнинг виртуал сатҳи бўлсин, яъни 1 сони* $B_\mu(k,E_{\min}(k))$ *операторнинг хос қиймати ва* $\psi\in L_2^o(\mathrm{T}^1)-$ *унга мос хос функция бўлсин. У ҳолда*

$$f(q)=\frac{-\mu(V^{\frac{1}{2}}\psi)(q)}{E_k(q)-E_{\min}(k)}=\frac{-\sqrt{2}\mu\sin q}{E_k(q)-E_{\min}(k)}\int_{\mathrm{T}^1}\sin t\,\psi(t)\eta(\mathrm{d}t)\notin L_2^o(\mathrm{T}^1)$$

функция $H_\mu(k)f=E_{\min}(k)f$ *Шредингер тенгламасини қаноатлантиради.*

$H_\mu(k)$ операторнинг хос қийматларини система квазиимпулси $k\in\Gamma\subset\mathrm{T}^1$ га боғлиқ ҳолда ўрганиш учун қуйидаги тўпламларни аниқлаймиз:

$$S_<(\mu)=\{k\in\Gamma:\mu<\mu(k)\},$$
$$S_=(\mu)=\{k\in\Gamma:\mu=\mu(k)\},$$
$$S_>(\mu)=\{k\in\Gamma:\mu>\mu(k)\}.$$

II боб 2-параграфининг асосий натижалари қуйидаги теоремаларда келтирилган.

4-Теорема. *а)* $\mu<0$ *ва* $k\in S_<(\mu)$ *бўлсин. У ҳолда* $H_\mu(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}(H_\mu(k))$ *муҳим спектрдан чапда ягона* $z(\mu,k)$ *хос қийматга эга. Мос хос функция* $f_{\mu,k}(q)=\dfrac{\mu\cdot c\sin q}{E_k(q)-z(\mu,k)}\in L_2^o(\mathrm{T}^1)$, T^1 *да ҳақиқий аналитик функция бўлади, бунда* $c\neq 0-$ *нормаллаштирувчи кўпайтувчи. Шу билан бирга* $z(\mu,\cdot)$ *хос қиймат* $S_<(\mu)$ *тўпламда хақиқий қийматли жуфт функция бўлади.* $k\to f_{\mu,k}(\cdot)$ *билан берилган* $f_{\mu,k}(\cdot):S_>(\mu)\to L_2^o(\mathrm{T}^1)$ *акслантириш вектор қийматли аналитик акслантириш бўлади.*

b) $\mu<0$ *ва* $k\in S_=(\mu)$ *бўлсин. У ҳолда* $H_\mu(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}(H_\mu(k))$ *муҳим спектрнинг* $E_{\min}(k)$ *қуйи чегарси* $H_\mu(k)$ *оператор учун виртуал сатҳ бўлади.*

c) $\mu<0$ *ва* $k\in S_>(\mu)$ *бўлсин. У ҳолда* $H_\mu(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}(H_\mu(k))$ *муҳим спектрдан чапда хос қийматга эга эмас.*

2-Натижа. $\mu(k)<0$ *нинг* T^1 *да аналитик функция эканлигидан модул бўйича етарлича катта* $\mu<0$ *да* $H_\mu(k)$ *оператор* $\sigma(H_\mu(k))$ *спектри бўсағасидан чапда ётувчи хос қиймати мавжудлиги келиб чиқади.*

5-Теорема. $\mu\to\mu(k)$, $k\in S_<(\mu)$ *муносабат фақат ва фақат*

$z(\mu,k)\to z(\mu(k),k)=E_{\min}(k),\ k\in S_{<}(\mu)$ *бўлгандагина ўринлидир. Етарлича кичик* $\mu(k)-\mu$ *да қуйидаги ёйилма ўринлидир:*

$$z(\mu(k),k)-z(\mu,k)=\left[\sum_{n=1}^{\infty}b_n(k)(\mu(k)-\mu)^n\right]^2,$$

бунда $b_n(k),\ \ k=1,2,\ldots$ - *ҳақиқий сонлар ва* $b_1(k)=2/J(0,k)\mu^2(k)>0.$

6-Теорема. *Фараз қилайлик* $\mu^*\in(\inf_{\Gamma}\mu(k),\sup_{\Gamma}\mu(k))$ *бўлсин. У ҳолда* $k\in S_{=}(\mu^*)\cup S_{>}(\mu^*)$ *да* $H_{\mu^*}(k)$ *оператор* $\sigma_{ess}(H_{\mu^*}(k))$ *муҳим спектрдан ташқарида хос қийматга эга эмас. Ихтиёрий* $k\in S_{<}(\mu^*)$ *да* $H_{\mu^*}(k)$ *оператор ягона* $z^*(k)=z(\mu^*,k)$ *хос қийматга эга, бу ҳолда* $z(\mu^*,k)$ *хос қиймат муҳим спектрдан чапда ётади ва* $S_{<}(\mu^*)$ *да аналитик функция бўлади. Бундан ташқари, ихтиёрий* $k^*\in S_{=}(\mu^*)$ *учун* $k\to k^*,\ \ k\in S_{<}(\mu^*)$ *бўлганда қуйидаги асимптотика ўринли бўлади*

$$z^*(k)=E_{\min}(k^*)+\frac{\partial E_{\min}(k)}{\partial k}\Big|_{k=k^*}(k-k^*)+O(|k-k^*|^2).$$

7-Теорема. *Ихтиёрий* $k\in\Gamma$ *учун* $\mu\to-\infty$ *да* $z(\mu,k)$ *функция қуйидаги асимптотикага эга бўлади* $z(\mu,k)=\dfrac{\mu}{2}+z^{(1)}(\mu,k),$ *бунда* $z^{(1)}(\mu,k)=O(1)$ *тенглик* $k\in\Gamma$ *бўйича текис бажарилади.*

Учинчи боб асосий натижаларининг қатъий математик баёнига ўтамиз. Бу бобда панжара ўлчами $d=2$ деб фараз қиламиз ва (1) формула билан аниқланган $h_\mu(k), k\in\mathrm{T}^2$ дискрет Шредингер оператори қаралади.

8-Теорема. *Барча* $\mu\in\mathrm{P}_{+}=(0,+\infty)$ *ва* $k\in\mathrm{T}^2$ *да* $h_\mu(k)$ *оператор ягона* $z(\mu,k)$ *хос қийматга эга. Бу хос қиймат* $h_\mu(k)$ *операторнинг* $\sigma_{ess}(h_\mu(k))$ *муҳим спектридан ўнгда ётади, яъни* $z(\mu,k)>\varepsilon_{\max}(k)$. *Барча* $k\in\mathrm{T}^2$ *да* $z(\cdot,k)$ *функция* P_{+} *да монотон ўсувчи ва барча* $\mu\in\mathrm{P}_{+}$ *да* $z(\mu,\cdot)$ *функция жуфт,* T^2 *да хақиқий аналитик бўлади. Барча* $k\in\mathrm{T}^2\setminus\{\vec{\pi}\}=(-\pi,0)^2\cup(0,\pi)^2$ *да ушбу* $z(\mu,k)<z(\mu,\vec{\pi})$ *тенгсизлик ўринли бўлади. Мос хос функция* $\psi_{\mu,k}(\cdot)=\dfrac{\mu\cdot c}{z(\mu,k)-\varepsilon_\mu(\cdot)}$ T^2 *да ҳақиқий аналитик функция бўлади, бунда* $c\neq 0-$ *нормаллаштирувчи кўпайтувчи. Шу билан бирга вектор қийматли* $\psi_\mu:\mathrm{T}^2\to L_2^e(\mathrm{T}^2),\ k\to\psi_{\mu,k}$ *акслантириш хам аналитик бўлади.*

$\Pi_i, i=1,2$ орқали қуйидаги тўпламларни аниқлаймиз:

$$\Pi_1 = \{k = (k_1, \pi) \in \mathrm{T}^2, k_1 \in (-\pi, \pi)\}, \Pi_2 = \{k = (\pi, k_2) \in \mathrm{T}^2, k_2 \in (-\pi, \pi)\}.$$

9-Теорема. *а) Фараз қилайлик* $k \in (-\pi, \pi)^2$ *бўлсин. У холда шундай* $\mu_0 > 0$ *мавжуд бўлиб, барча* $\mu \in (0, \mu_0)$ *да қуйидаги ёйилма ўринли:*

$$z(\mu, k) = \varepsilon_{\max}(k) + b(k)\exp\{-\frac{1}{\mu c_0(k)}\} + \sum_{n,m \geq 1, n+m>2} c(n,m;k)\mu^n \sigma^m$$

б*унда* $b(k) > 0$, $\sigma = \frac{1}{\mu}\exp\{-\frac{1}{\mu c_0(k)}\}$ $c(n,m;k)$, $n = 1,2,\ldots -$ *ҳақиқий сонлар.*

б) Фараз қилайлик $k \in \Pi_i, i = 1,2$ *бўлсин. У холда*

$$z(\mu, k) = 2 + \varepsilon_{\max}(k_i) + \mu^2 \left[\sum_{n=0}^{\infty} a_n^{(i)}(k)\mu^n\right]^2,$$

б*унда* $a_n^{(i)}(k)$, $n = 1,2,\ldots$ - *ҳақиқий сонлар ва* $a_0^{(i)}(k) = \pi\left(\cos\frac{k}{2}\right)^{-1/2} > 0;$

с) Фараз қилайлик $k = \vec{\pi} = (\pi, \pi)$ *бўлсин. У холда* $z(\mu, \vec{\pi}) = 4 + \mu.$

3-Натижа. *а) Фараз қилайлик* $k \in (-\pi, \pi)^2$ *бўлсин. У холда* $z(\mu, k)$ *функция* $\mu \to 0$ *да қуйидаги асимптотикага эга бўлади:*

$$z(\mu, k) = \varepsilon_{\max}(k) + b(k)\exp\{-\frac{1}{\mu c_0(k)}\} + o[\exp\{-\frac{1}{\mu c_0(k)}\}].$$

б) Фараз қилайлик $k \in \Pi_i, i = 1,2$ *бўлсин. У холда* $z(\mu, k)$ *функция* $\mu \to 0$ *да қуйидаги асимптотикага эга бўлади:*

$$z^{(i)}(\mu, k) = 2 + \varepsilon_{\max}(k_i) + \frac{\pi^2 \mu^2}{\cos\frac{k_i}{2}} + z^{(2)}(\mu, k),$$

бунда $z^{(2)}(\mu, k) = O(\mu^3)$.

с) Фараз қилайлик $k = \vec{\pi}$ *бўлсин. У холда* $\mu \to 0$ да $z(\mu, \vec{\pi}) = 4$ *тенглик ўринли.*

10-Теорема. *Ихтиёрий* $k \in \mathrm{T}^2$ *учун* $z(\mu, k)$ *функция учун* $\mu \to +\infty$ *да қуйидаги асимптотик ёйилма ўринли бўлади:* $z(\mu, k) = \mu + z^{(1)}(\mu, k)$, *бунда* $z^{(1)}(\mu, k) = O(1)$- *тенглик* $k \in \mathrm{T}^2$ *бўйича текис бажарилади.*

Таъкидлаб ўтамизки, $\mu \in \mathrm{P}_{\_}$ ва $k \in \mathrm{T}^2$ бўлган ҳолда ҳам шунга ўхшаш натижалар олинган.

ХУЛОСА

Диссертация иши панжарадаги ўзаро контакт ва қўшни тугунларда таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали системаларга мос дискрет Шредингер операторларининг муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи ёки итаришувчи контакт таъсирли системага мос Шредингер оператори муҳим спектри ўрни топилган ва муҳим спектрдан чапда ёки ўнгда хос қиймат мавжудлиги исботланган.
2. Бир ва икки ўлчамли панжарада ўзаро тортишувчи ёки итаришувчи контакт таъсирли иккита бир хил заррачали (бозонли) системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун ўзаро таъсир доимийси бўсаға (ноль) қиймати атрофида яқинлашувчи қатор кўринишидаги ёйилмалар олинган.
3. Бир ўлчамли панжаранинг қўшни тугунларида ўзаро тортишувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос дискрет Шредингер оператори учун бўсаға ҳодисаси мавжудлиги, яъни муҳим спектрдан чапда хос қиймат мавжудлиги ёки йўқлиги кўрсатилган.
4. Бир ўлчамли панжарада қўшни тугунларда таъсирлашувчи иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун ўзаро таъсир доимийсининг манфий бўсаға қиймати атрофида яқинлашувчи қатор кўринишидаги ёйилмалар олинган.
5. Бир ўлчамли иккита бир хил заррачали (фермионли) системага мос дискрет Шредингер оператори хос қиймати учун квазиимпульснинг бўсаға қиймати атрофида асимптотика олинган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.27.06.2017.FM.02.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

ЛАКАЕВ ШУХРАТ САИДАХМАТОВИЧ

СОБСТВЕННЫЕ ЗНАЧЕНИЯ И РЕЗОНАНСЫ ОПЕРАТОРА ШРЕДИНГЕРА, СООТВЕТСТВУЮЩЕГО СИСТЕМЕ ДВУХ ЧАСТИЦ НА РЕШЕТКЕ

01.01.01 – математический анализ

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

г.Самарканд – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.4.PhD/FM148

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, английский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Халхужаев Ахмад Мияссарович** доктор физико-математических наук
Официальные оппоненты:	**Имамкулов Севдиёр Акрамович** доктор физико-математических наук
	Ботиров Голиб Исроилович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» _____________2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.FM.02.01 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственном университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (99866)231-06-32, факс: (99866) 235-19-38).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2018 года.
(протокол рассылки №________ от «____» _______________2018 года).

А.С. Солеев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

А.Хатамов
И. о. ученого секретаря Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

И.А.Икромов
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многочисленные научно-прикладные исследования, проводимые в мировом уровне, показывают, что всюду в физике устойчивые сложные объекты обычно образуются в результате действия сил притяжения, которые позволяют составным частям уменьшить энергию при их связывании. Однако, последние годы учеными доказан, что в упорядоченных средах устойчивые сложные объекты могут существовать даже в случае отталкивающих взаимодействий. Модель Бозе-Хаббарда, используемый для описания отталкивающих частиц, т.е. оператор Шредингера на решетке, является теоретическим обоснованием экспериментального наблюдения и теоретической базой для применения. Поэтому развитие исследования операторов Шредингера, соответствующих гамильтонианам систем двух частиц на решетке, которые встречаются в моделях физики твердого тела, а также решетчатой теории поля, является одним из приоретных направлений.

Поскольку, спектр семейства двухчастичных операторов Шредингера, соответствующих гамильтонианам систем двух квантовых частиц на решетке является довольно чувствительным к изменению квазиимпульса системы, важную роль играет решение проблем, относящиеся исследований спектров этих операторов, доказать существование связанных состояний, определить их местоположение и числа связанных состояний дискретных операторов Шредингера в зависимости от квазиимпульса системы. В связи с этим реализация целевых научных исследований в следующих направлениях является одной из важных задач: исследовать дискретный спектр операторов Шредингера, соответствующих системе двух одинаковых частиц (бозонов или фермионов) системе двух частиц на одномерной и двумерной решетках с контактнами потенциалами, установить пороговые явления спектра, показать существование собственных значений двухчастичного оператора Шредингера, получить разложение в виде сходящегося ряда для единственного собственного значения.

В нашей стране большое внимание уделяется направлениям, имеющим прикладное значение, в частности, исследованию операторов Шредингера, соответствующих гамильтонианам систем двух частиц на целочисленной решетке. Значительные результаты были достигнуты по определению условий существования связанных состояний и их числа вне существенного спектра для операторов Шредингера, соответствующих системам двух частиц на решетке.

Эта диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 8 февраля 2017 года а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

